

ЕТТИ МАШХУР ҚОРИНИҢ БИРИ: АЛИЙ ИБН ҲАМЗА АЛ-КИСОИЙ РОҲИМАҲУЛЛОҲ (ҲИЖРИЙ 120-189)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8041720>

Абдреймов Нурбол

Имом Абул Ҳасан Алий ибн Ҳамза ибн Абдуллоҳ ибн Баҳман ибн Файруз ал-Кисоиӣ ал-Куфий асли насаби Ироқлик форслардан бўлган. Куфада ҳижрий 120-йилларда таваллуд топган. Кисоиӣ деб номлани- шига сабаб, Ҳамзанинг дарслариға кийимга ўраниб келиши, дейишади. Бошқа маълумотга кўра эса либосда эхром боғлагани учун «Кисоиӣ» деб аташган.

Абу Абдуллоҳ ҳам дейилади.

Бағдоддининг луғат, наҳв, қироат имомларидан ҳисобланади. Ҳамза аз-Зайётдан сўнг қироат ва араб тили имоми бўлди. Абу Убайд ал-Қосим ибн Саллом «Китоб ал-қироат» асарида шундай дейди: Кисоиӣ қироатларни ихтиёр қилган ва Ҳамзанинг қироати усууларидан баъзисини олиб, айримларини олмаган. У қироат аҳлидан эди. Қироат борасида ундан кўра мустаҳкам ва пухта ҳеч ким билан ўтирганмаганимиз».

Имом Шофеъий айтади: «Ким наҳв илмига шўнғишини хоҳласа, демак у Кисоийнинг оиласидир». Кисоиӣ нахвни ўрта яшарлик чоғларидан ўрганган.

Бағдодда Ҳорун Рашид ва унинг фарзанди Аминга таъ- лим берди. Халифа Кисоийни улуғлаган ва у хақида шундай деган: «Ундан афзал ва тақводоррок, Куръон ва араб тилини билувчироқ ҳеч бир кишини кўрмадим».

Кисоиӣ «Маъоний ал-Куръон», Ал-муташобих фил- Куръон», «Ма ялҳану фиҳил-ароб», «Мактӯй ал-Куръон», «Мухтасар фин-наҳв», «Китоб ан-наводир ал-кабир вал- авsat vas-safir», «Ал-масодир», «Китоб ал-ҳуруф, «Ал-қироат», «Ал-адад», «Ал-ҳоат», «Ал-хижо» номли асарлар муаллифи.

Устозлари: Ал-Аъмаш Сулаймон ибн Михрон, Осим ибн Абу ан-Нажуд, Ҳамза ибн Ҳабиб аз-Зайёт (Ҳамзага тўрт марта Куръонни ўқиб берган), Абу Бакр ибн Айёш, Мухаммад ибн Сахл, Мухаммад ибн Абдурраҳмон ибн Абу Лайл, Исо ибн Умар ал-Ҳамадонийлардан қироатлар бўйича тахсил олган.

Шогирдлари: Лайс ибн Ҳолид Абул Ҳорис, Абу Умар Ҳафс ад-Дурий, Абу Убайд ал-Қосим ибн Саллом, Ибро- ҳим ибн Зозон, Аҳмад ибн Абу Сурайж ан-Нахшалий, Қутайба ибн миҳрон ал-Асбаҳоний, Яҳё ал-Фарро, Ҳалаф ибн Ҳишом, Аҳмад ибн Жубайр ал-Антокий ва бошқаларга қироат

сирларини ўргатди. Имом Кисоий ҳижрий 189 йил Рай шахрининг Ранбуях қишлоғида, Ҳорун Рашиднинг олдида вафот этди. Шу куни Абу Ҳанифанинг шогирди Мұхаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний ҳам вафот этди. Шунда Ҳорун ар-Рашид: «Райдың фикҳы ва нахвни бир кунда дағын қилдик», дейди.

Хатиб Бағдодий «Тарихи Бағдод» китобида, Ибн Касир «Ал-Бидоя ван-нихоя»да ёзишича, Абу Мисҳал шундай деган: «Мен Кисоийни тушимда құриб, унга: «Аллоҳ сенга қандай мұомала қилди?» деб сұрадым. У: «Қуръон сабабли мени мағфират қилди», деди. Мен: «Ҳамзага нима мұомала қилди?» дедим. «У Иллийюнда, биз уни худди юлдузни құргандек құриб турамиз, холос», деди».

У Басрага бориб, буюк имом Ҳалил ибн Ахмаддан араб тили балоғатини, бу тилнинг сир-асрорларини ўрганган. Фузайл ибн Шозон айтади: «Кисоий қироатни Ҳамзадан ўтқазғач, сахрода чиқиб, бадавиілар билан бирга яшай бошлади. Сұнг юртига луғат билимдони бўлиб қайтиб келди».